

“Хотин-қизлар байрами”

2022-йил 6-март куни Узун туманида Халқаро “Хотин-қизлар байрами” муносабати билан “Аёлни эъзозлаш - эзгулик ва адолат мезони” шиори остида байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирда Туман фахрийлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аёллар, маҳаллаларнинг фаол аёллари, "Аёллар дафтари" рўйхатида бўлган аёллар, маҳалла раисининг хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари "Ёшлар дафтари"га киритилган хотин-қизлар, "Темир дафтар"га кирилган аёллар, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутат аёллари, ташкилот ва корхоналарда ҳамда хусусий секторларда фаолият юритиб келаётган фаол аёллар ҳамда 27 та МТТ мудирлари ва тумандаги умумтаълим муассасаларининг аёл раҳбарлари, жами 400 нафарга яқин хотин-қизлар иштирок этишди.

Тадбирни Узун туман ҳокими Б.Турсунов сўзга чиқиб,

8-март “Халқаро хотин-қизлар байрами” билан туманимизнинг барча аёлларини табриклади ҳамда барча аёлларга туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарлари томонидан эсдалик совғалари топширилди.









